



Гарбий Сибир асрлар давомида деярли Бухоро колонияларига айланиб қолаётган эди. Сибир Бухорийлари бу ерда яшаётган татарлар (аслида туркий халқлар) билан сўзлашиб аста-секин ўз тилларини маълум маънода ўзгартириб борганлар.

У ерларга кўчиб борган савдогарлар, харбий аскар ва диний уламолар ўз миссияларини бажариш мақсадида турли кишлок ва маҳаллаларга асос солганлар. Айнан бухороликлар биринчи марта Сибирга мушукни олиб боришган. Дунёга машхур бўлган "Сибирь мушуги" аслида Туркистонликлар томонидан у ерга олиб борилган ва тарқатилган. Аввалги постларда биз Сибирдаги Учмир тоғи ҳақида пост улашгандик, бу ер айнан илгари замонларда туркий қавмларнинг ерлари бўлганлигини кўрсатади. Уч бошли тоғни қадим туркийлар муқаддас ҳисоблашган ва унда бир ҳосият бор деб билганлар. Анча-мунча кўп сонли ва турли тармоқли туркий қабилалар Сибирь, Олтой, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва бошқа жойларда қадим замонлардан бери яшаб келгани ҳаммага маълум. Бизнинг аجدодларимиз ҳам бугунги Ўзбекистон чегарасидагина эмас миграцион жараёнлар тўлкинида бемалол у ерда, бу ерда яшаганлар. Шунинг учун ҳам "Дашти Кипчок ва Гарбий Сибирь худудлари, қадимги Крим ерларида улар яшамаган, у ердан

келганлар бизга бегона" деган саволнинг қўйилишининг ўзи нотўғри булади.

Туркийларнинг асл ватани Олтой, Сибирь, Ўрта Осиё, Шарқий Тукристон, Хуросоннинг катта қисми ва бошқа ерлардир. Навбатдаги миграция тўлкинлари умумий ном остида Гарбий Сибирда Бухоро қишлоқлари пайдо бўлган. У ерларда Ўзбекистоннинг ҳамма еридан қўчиб борган халқларни учратиш мумкин эди. Хатто Тошкентдан борган инсонларнинг ўз мавзелари бўлган. Тарихий эвирилишлар сабаб рус мустамлакачиларининг қадами бу ерга ҳам етиб борган ва Ўрта Осиёликлардан ташкил топган Гарбий Сибирдаги қўплаб қишлоқларни ҳам улар ўз тасарруфига киритган.

XX аср бошларида Тюмень (туркийда Туман) Тобольск ва Тар уездларида Бухоро волостлари мавжуд бўлган.

Улар охириги марта 1926 йилда рўйхатга олинган. Совет давлатининг ягона халқ яратиш гоёсига кўра, улар туфайли аралаштириб юборилган, алоҳида қайд этилмаган. Туркистон қишлоқлари аҳолиси узок йилги тарихий аралашилар даврида ўзларининг асл тилларини унутишган, қайсидир маънода урф-одатларини ҳам саклаб қолган, улар орасида хали ханузгача туркистонликларни эслатадиган шахслар учраб туради.

***Шохиста Ўлжаева***